

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 3 октябрь, № 205 (7163) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 6 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

**1-модда.** 5 апрель Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати куни этиб белгилансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 октябрь
№ ЎРҚ—490

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 25 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

Париж битими (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 октябрь
№ ЎРҚ—491

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ислом ҳамкорлик ташкилоти Уставига киритилган тузатишни (Абиджан, 2017 йил 10-11 июль) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 7 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Уставига киритилган тузатиш (Абиджан, 2017 йил 10-11 июль) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 октябрь
№ ЎРҚ—492

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ислом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти Устави ва Тартиб-қоидаларини (Истанбул, 1999 йил 7 ноябрь, 2017 йил 7 май ҳолатидаги ўзгартиришлар билан) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 7 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

Ислом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти Устави ва Тартиб-қоидалари (Истанбул, 1999 йил 7 ноябрь, 2017 йил 7 май ҳолатидаги ўзгартиришлар билан) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 октябрь
№ ЎРҚ—493

# «Ўзбекистон раҳбари ҳиндистонликларни ҳайратда қолдирди»

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга амалга оширган давлат ташрифи ушбу мамлакат оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Деярли барча босма нашрларнинг асосий саҳифаларида Юртбошимизнинг суратлари чоп этилиб, расмий учрашувларга оид тафсилотлар ёритилган бўлса, телеканаллар ҳам бор эътиборини ушбу мавзуга қаратиб, кўплаб видеолавҳаларни эфирга узатди. Шунингдек, радиоканаллар қатор репортажлар тақдим қилди. Электрон нашрларда ҳам Ўзбекистон етакчисининг ташрифи ҳақидаги янгиликлар "Top News" категориясидан жой олди.*

*Журналистларнинг фикрича, Ўзбекистон раҳбари ўзининг самимияти, прагматизми ва аниқ натижаларга эришишга интилиши билан ҳиндистонликларда ёрқин таассурот уйғотди.*

ДУНЁ НИГОҲИ

Инглиз тилида чоп этиладиган энг йирик **"The Times of India" газетаси**да Ҳиндистон расмий доиралари Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифига кенг миқёсда тайёргарлик кўргани қайд этилди. "Яқин орада Ҳиндистонда хориж давлат раҳбарини бундай катта миқёсда кутиб олишмаган эди. Бу Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатида Ўзбекистон нақадар муҳим аҳамият касб этишини яққол тасдиқлайди. Боз устига, "ўзбек дипломатияси"нинг салмоқли даражада фаоллашуви натижасида минтақада мутлақо янгича геосиёсий вазият шаклланиб бораётган шароитда расмий Тошкентнинг ўрни янада ортаётир", дея ўз таассуротлари билан ўртоқлашади журналистлар.

1875 йилда асос солинган **"The Statesman" газетаси** мухбирларининг билдиришича, олий мартабали меҳмоннинг Ҳиндистонга ташрифи "инсонлар хотирасида узоқ муддат қоладиган катта дўстлик байрамига айланди". ОАВ вакилларининг таърифича, Шавкат Мирзиёев қисқа муддатда нафақат ўз мамлакати, балки бутун Марказий Осиё минтақасини ўзгартира олди. Бугун Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг таъсири мамлакатдан ташқарига ҳам ёйилмоқда.

Республика атрофида "дўстлик ва ҳамкорлик белбоғи" шаклланяпти. Бу, ўз навбатида, давлатнинг изчил тараққиёти учун қулай шарт-шароит яратади. Тошкентда ички ва ташқи сиёсатнинг ўзаро боғлиқлигини ("connectivity") яхши англашади, шу сабабли уларнинг миллий ва халқаро даражадаги барча қадами "бир-бирини тўлдиради", дейилади мақолада.

Ўзбек дипломатиясининг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича саъй-ҳаракатлари сезиларли даражада фаоллашгани эътироф этилар экан, **"The Hindu" газетаси**да афғон масаласи Ўзбекистон ва Ҳиндистон учун бирдек долзарб аҳамиятга эгалиги таъкидланади. Журналист Сухасини Ҳайдарнинг ёзишича, Нью-Деҳли Ўзбекистон ҳукуматининг қўшни давлат ижтимоий-иқтисодий тикланиши борасида амалга ошираётган тадбирларини тўла қўллаб-қувватлайди ва олқишлайди. Ўз навбатида, Ҳиндистон Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган инфратузилмавий лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида қатнашиш орқали афғон муаммосининг ҳал қилинишига ҳисса қўшиш ниятида. Шу маънода, Ҳиндистон расмий доиралари Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Ҳирот шаҳарлари ўртасида темир йўл қурилишида иштирок этишга қизиқиш билдиришаётгани маълум қилинади.

"Нью-Деҳлининг Чабоҳар ва Эрон — Афғонистон чегарасидаги Зоҳидон шаҳарларини темир йўл билан боғлаш борасидаги режаларини ҳисобга олсак, Осиёда икки йирик минтақа — Жанубий ва Марказий Осиёни туташтирадиган янги минтақалараро транспорт коридори шаклланмоқда, дея тахмин қилиш мумкин".

**"Ҳиндистон радиоси" ("All India Radio")** тарқатган репортажда Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи нафақат ўзбек — ҳинд алоқаларини "трансформациялаш", балки минтақадаги ҳолатни ҳам ўзгартиришга қодир, дейилади.

Радиомухбирларнинг хабарига кўра, ҳозирги вақтда Нью-Деҳлида Европа бозорларига чиқиш имконини берадиган янги транспорт йўлларини бунёд қилиш ғояси ишлаб чиқилмоқда. "Бу жараёнда Ўзбекистон муҳим аҳамият касб этиб, унинг иштирокисиз мазкур ташаббуслар ўз аҳамиятини йўқотади, — дейилади "All India Radio" эшиттиришида. — Ҳинд дипломатияси расмий Тошкент билан алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга интилаётир. Тез орада Ўзбекистонга турли даражадаги делегациялар боради ва улар Нью-Деҳлида Шавкат Мирзиёев ва Нарендра Моди ўртасида эришилган келишувларни амалга ошириш механизмларини муҳокама қилади".

➡ 2

# «Президент Шавкат Мирзиёевнинг олижаноблиги қалбимиздан жой олди»

Халқ сўзи
Народное слово
йўлланмаси билан

*Ўзбекистон ва Тожикистон халқларини асрлар давомида яқин қўшничилик, қавму қариндошлик, дўстлик алоқалари боғлаб туради. Урф-одат ҳамда анъаналари ўхшашлигидан ташқари, дини бир, турмуш тарзи ҳам муштарак бу халқлар ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракатлари билан қайта жонланди. Борди-келдилар яна тикланди, барча йўналишда ҳамкорлик кучайди. Эндиликда тожик тупроғида етиштирилган мева-чевалар ўзбекистонликлар дастурхонига тортилиши, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автоуловлар тожикистонликлар узоғини яқин, оғирини енгил қилиши одатий ҳолга айланди. Бундай дўстона муҳитдан одамлар жуда мамнун.*




Давлатимиз раҳбарининг яқинда Тожикистонга қилган сафари, қолаверса, ундаги унутилмас бир воқеани бугун ушбу мамлакат фуқаролари оғизларидан бол томиб гапиришаётганига гувоҳ бўлдик. Гап шундаки, Юртбошимиз Турсунзода туманидаги икки миришкор боғбонга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Captiva" автомашинасини совға қилди.

Ҳақиқатан ҳам, аслида оддий халқнинг эътирофи, дуоларидан улуғроқ мукофотнинг ўзи йўқ. Йўлнинг икки четида шиғил ҳосилга кирган боғу роғлар, оппоқ чаманга бурканган пахтазорлар ўз ишини сидқидилдан бажарадиган заҳматкаш инсонлар фидокорлигидан дарак беради.

➡ 2

## Газетхонлар билан учрашув

Халқ сўзи
Народное слово

*Кейинги йилларда таҳририятимизда муштарийлар билан учрашувлар уюштиришдек эзгу анъана шаклланди. "Халқ сўзи" ва "Народное слово" журналистлари меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларга тез-тез ташриф буюришяпти, далаларга бориб, меҳнаткашларга "ҳорманглар!" дейишмоқда, сайёр қабулларда шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган ҳамюртларимизнинг муаммолари ва уларни ўйлантираётган масалаларга эътибор қаратишмоқда.*

Таҳририят ушбу эзгу ишни давом эттириб, ҳар бир ҳудудда аҳоли билан мулоқотлар ўтказмоқда.

Ўзаро ишончга асосланган суҳбатлар натижасида фикр-мулоҳазаларингизни ўрганар эканмиз, сиз, газетхонларнинг талаб ва истакларингизни эътиборга олиб, газетамиз мазмун-мундарижасини янада такомиллаштиришни мақсад қилганмиз. Ўз режаларимиз билан ўртоқлашамиз, материалларимиз учун мавзу бўладиган саволларингизга жавоб беришга, муаммоларга ечим топишга интиламиз. Ижодий гуруҳ таркибида таҳририят ходимларидан ташқари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, илм-фан ва маданият намояндалари ҳам бор.

Бу учрашувлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар туман, шаҳар ва қишлоқлари ҳамда пойтахтимизда давом этмоқда.

**Мулоқотлар вақти ва манзили ҳақидаги батафсил маълумотлардан маҳаллий матбуот нашрлари орқали хабардор бўласиз.**

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

*Тадбиркор бирор юмушга қўл уришдан олдин бозорни обдан ўрганади. "Тайёрлайдиган маҳсулоти ёки хизматига талаб қандай?", "Эртага рақобатга дош бера олмай "синиб" қолмайманми?" деган саволларга жавоб излаб кўради.*

*Бироқ пойтахтимиздаги "Big Bag Production" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишиш чоғида дастлаб хаёлингизда "Деярли ҳар куни кўзимиз тушадиган ва зарур ҳолларда фойдаланаётганимиз — оддий қоплар ишлаб чиқариляпти, бунинг нимаси янгилик экан?" деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Лекин жамоада меҳнат қилаётган ишчилар ва раҳбар-ходимлар билан суҳбат жараёнида бу ўй сизни дарров тарк этади. Нега дейсизми?*

**2018 ЙИЛ —**
**ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**



➡ 3

# Ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасидаги ҳамкорлик кучаяди

*Бугунги Ҳиндистон кинофильмлар, чой маҳсулотлари ҳамда инновацион технологиялар ишлаб чиқариш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Барча соҳада илғор технологияларни қўллаган ҳолда, тараққиёт сари дадил одимламоқда. Аҳолиси сони бўйича дунёда иккинчи, иқтисодий салоҳиятига кўра тўртинчи ўринда турадиган мазкур мамлакат юртимизнинг яқин ҳамкорларидан саналади.*

Айтиш жоизки, бу алоқалар фақат ижтимоий, иқтисодий, гуманитар соҳалар билан кифояланмайди. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари тезлашган, терроризм ва экстремизм хавфи кучайиб бораётган ҳозирги шароитда икки давлат ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида изчил алоқалар кучайиб бораётгани ҳам эътиборга молик.

— Мамлакатимиз кучли ҳуқуқий тизимга эга бўлиб, у мустақил ҳолда фаолият олиб боради, — дейди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Винод Кумар. — Айни йўналишдаги алоқалар хусусида тўхталсак, бу ШҲТ ҳамда унга аъзо давлатлар билан суд-ҳуқуқ, адлия ва ҳуқуқ-тартибот борасидаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Ташкилот доирасида қабул қилинган қатор ҳужжатлар икки давлат тегишли идоралари ҳамкорлигида ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Шунингдек, икки давлат ички ишлар идоралари ўртасида криминалистика йўналишида келишувлар бор.

— Биз юртингиз ҳуқуқ-тартибот идоралари билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйсак, шунда жиноятчиликка қарши самарали кураша оламиз, — дейди Ҳиндистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Пинки Ананд. — Ҳиндистон халқи терроризмдан кўп бора азият чеккан ва бу хавф ҳамон мавжуд. Ўзбекистонда ҳам шундай муаммолар йўқ эмас. Умуман олганда, бутун дунё терроризм балосига тез-тез дуч келмоқда. Ҳозирги кунда давлатларимиз ўртасида ҳамкорлик юқори босқичга чиқиши ва ҳуқуқ-тартибот идоралари алоқаларининг янги сифат ва мазмунда йўлга қўйилиши турли хавф-хатарлар ўчоғини барвақт аниқлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашда самарали натижаларга эришиш имконини беради.

Икки давлат ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги ҳамкорлик доираси кенг. Катта бизнесда рақобат кучайиб бориши, турли манфаатлар тўқнашуви жараёнида инвестор ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ушбу идоралар зиммасидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Бугун юртимизда қулай бизнес муҳити яратиш ҳамда сармоядорлар қонуний ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялашга қаратилган ҳаракатлар ҳиндистонлик сармоядор ва ишбилармонлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

— Ўзбекистонда инвесторлар учун қулай муҳит ва шарт-шароит яратиб берилмоқда, — дейди "Bluewheel" компанияси раҳбари Омар Кумар Сингх. — Кейинги пайтда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан сармоя киритган, янгидан иш бошламоқчи бўлган чет эллик тадбиркорлар ҳуқуқини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид, уларга турли имтиёзлар беришни назарда тутувчи бир қатор қарор ва фармонлар имзоланди. Бу биз каби инвесторларга катта имкониятлар эшигини очди. Шу боис ҳам Ҳиндистондаги жуда кўплаб йирик компаниялар юртингизда ўз бизнесини йўлга қўйиш ҳаракатларини бошлаб юборишди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида турли соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжали, тўқимачилик саноати, ахборот технологиялари, инновацион тиббиёт ҳамда туризм ва фармацевтика йўналишларида алоқалар тобора ривожланиб боряпти. Табиийки, бу шиддатли жараёнлар суд-ҳуқуқ тизимидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришни талаб этади. Ҳиндистон кучли ҳуқуқий тизимга эга давлат саналади. Бу тизимнинг самарали ишлаши кўп жиҳатдан кадрлар салоҳияти билан бевосита боғлиқ.

— Мамлакатимиз ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларга хайрихоҳ, — дейди Ҳиндистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Пинки Ананд. — Давлатимиз ва соҳага алоқадор вазирликлар олий таълим даргоҳлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор. Университетларимиз ўртасидаги тажриба алмашиш, табиийки, уларнинг мавқеини, талабаларнинг салоҳиятини оширишда айни муддаодир. Бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи доирасида бўлиб ўтган турли вазирликлар ўртасидаги учрашувлар самараси ўлароқ, бу масала узил-кесил ҳал этилади. Биз икки давлатнинг тараққиётига хизмат қиладиган истиқболли йўналишлар олдинга силжиши учун бор куч ва билимимизни ишга соламиз.

Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувлар кун тартибидан икки халқ манфаатларига тўлиқ мос келадиган кўплаб муҳим масалалар ўрин олди. Улар юқори даражага олиб чиқилиши, албатта, икки давлатнинг ҳуқуқ-тартиб идоралари ўртасидаги ҳамкорлигини ҳам янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.**

# «Ўзбекистон раҳбари ҳиндистонликларни ҳайратда қолдирди»

1 ➡

**"The indian Express" нашри**да баҳо беришларича, Ўзбекистон раҳбари ўз йўлини аниқ билиши ва белгиланган мақсадларга эришиши билан ҳиндистонликларни ҳайратда қолдирди. Унинг учун протокол тадбирлари эмас, балки аниқ келишувлар ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муҳимдир. Зеро, бўлажак авлодлар бизнинг сўзларимизга эмас, қилган ишларимизга қараб баҳо беради. Буни тушунган ҳолда Шавкат Мирзиёев ислоҳотчи сифатидаги ролини ҳам яхши англайди. Унинг ташаббуси билан бошланган жадал ислоҳотлар давлатнинг изчил ривожи учун мустаҳкам пойдевор яратишга қаратилган. Шу сабабли ҳам Ҳиндистонда Ўзбекистон етакчисини қадрлашади ва унинг ташрифига катта эътибор билан ёндашди.

"Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келиши билан Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқалари янги ўсиш суръатини намоён этиб, амалий мазмун билан бойимоқда". Бу сўзлар **"ANI News" ахборот агентлиги** тарқатган мақоладан ўрин олган. Олий даражадаги ташрифлар алмашинуви, журналистларнинг ёзишича, давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаб, жаҳон ва минтақа сиёсатининг долзарб масалалари бўйича фикр алмашиш имконини беради. Замонавий дунё ниҳоятда тез ўзгармоқда. Бундай шароитда ишончли ва ўзига тўқ стратегик шерикнинг бўлиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон айнан шундай стратегик шерикдир, деб қайд этилади "ANI News"да.

**Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

# «Президент Шавкат Мирзиёевнинг олижаноблиги қалбимиздан жой олди»

1 ➡

## Инсоннинг қўли гул

Турсунзода туманининг мамлакатимиз Паркенти қир-адирларига ўхшаш ҳудудлари ёнбағирларидаги токзорлар кўзни қувонтиради. Бир аср аввал қамишзору тўқайзор бўлган бу ерларни кимлар шу қадар обод қилиб, жаннатмонанд жойларга айлантиришган, дея сўрагудек бўлсангиз, "фарғоналиклар" дея жавоб беришади.

Тарихдан маълум, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида мустабид тузум қатағони миллат гули бўлган зиёлиларни йўқотиш билангина чекланиб қолмади. Оддий халқ бошига ҳам кўплаб жабру жафоларни ёғдирди. Уларни туғилган ерларидан бошқа жойларга кўчириб юборишди. Фарғона водийсидаги миришкор оилалар Сурхондарё вилояти ва жанубий Тожикистон туманларига жўнатилди. Олтиариқ туманининг Бозорбоши (Узумчи) маҳалласидан йўлга чиққан ака-уканинг оилалари қайга бориб қўнишини билишмагани туфайли Регар (ҳозирги Турсунзода) туманининг қамишзору ботқоқ ерлари чеккасида қамишдан капа тикиб, ўзларига қўналға ясаб олишди...

Ўша суронли йилларда йўлга чиққан ака-ука авлоди бўлган Камол ҳожи Мадумаров бугун саксон ёшни қоралаяпти. Тожикистонликлар уни узумчиликнинг пири, деб аташади. У раҳбарлик қилаётган "Боғи Сомон" фермер хўжалигининг бугунги кунда 560 гектар токзори бор.

— Бошқалар унумдор жойларни қидириб кетишганда боболаримиз бу ерни бежиз танлашмаган, — дейди Камол ҳожи Мадумаров. — Қамишзор бўлгани билан сувга сероб эканлигига улар эътибор беришган. Обиҳаёт бўлса, ҳар қандай ерни обод қилиш мумкин, бу ёғи инсоннинг ўзига, қатъиятига, шижоатига, меҳнатига боғлиқ эканлигига ишонишган.

"Боғи Сомон" фермер хўжалигида ҳозир 1102 нафар аҳоли иш билан таъминланган. Бир гектар ерга эгалик қилаётган киши 10 тонна ҳосилни хўжаликка топширса, 20 тоннасини ўзида олиб қолади. Гектаридан 30 тоннадан кам ҳосил олинмайди. Шу тариқа мол-ҳолларини кўпайтиришади, рўзғорларини бутлашади. Йилдан-йилга жамоат хўжалиги, маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланиб бораверади.

— Менинг беш нафар фарзандим бор, — дейди Дилмурод Муҳаммадиев. — "Боғи Сомон" фермер хўжалигида 80 сотих ерга эгалик қиламан. Олаётган даромадимиз фаровон яшашимизга, уй-жой қуришимизга, тўйлар қилишимизга етяпти.

"Боғи Сомон" фермер хўжалигининг 1200 тонна узум сақланадиган музлаткичи мавжуд. Шунинг учун бозорга бу ердан етказиб берилаётган узум қишин-ёзин ўз сифатини йўқотмайди. Нарх-наволар эса бозор шароитига қараб ўзгариб бораверади. Бундан ташқари, хўжаликда 4 мингдан зиёд қўй-қўзилар ҳам боқилади.

## Унутилмас учрашув

Жорий йилнинг 27 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳамроҳлигида "Боғи Сомон" фермер хўжалигига ташриф буюриб, Камол ҳожи Мадумаровга "Captiva" автомашинаси калитини топширди.

Камол ҳожи Мадумаровни бу совға билан Тожикистон ва Ўзбекистондаги яқинлари, қавму қариндошлари қутлашлари ҳанузгача давом этмоқда. Улар ҳалол меҳнат, мазмунли ҳаёт ўз мукофотига эга бўлишини, бу туҳфа мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик, дўст-биродарликка хизмат қилишини таъкидлашмоқда.

— Бу мен учун ҳаётимда энг қувончли воқеа бўлди, — дейди Камол ҳожи Мадумаров. — Ота юртимнинг Президенти совғасини олар эканман, боболаримизнинг ўша оғир дамларда бошдан ўтказган қийинчилик-изтироблари кўз ўнгимдан кинотасмасидек ўтди. Шавкат Мирзиёев бизнинг бошимиздан ўтказган кунларни билгандек, қадрлагандек кўнглимизни тоғдек юксалтирди. У кишининг олижаноблиги қалбимиздан жой олди. Буни нафақат биз, Тожикистонда яшаётган ўзбеклар ҳам ҳис этиб туришди. Энди дўстлигимиз тобора мустаҳкамланиб бораверади. Президент Шавкат Мирзиёевга раҳмат! Давлатларимиз раҳбарларини ҳаммамиз, халқларимиз дуо қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти туҳфаси Камол ҳожи Мадумаровни яна эзгу ва савобли ишлар қилишга ундамоқда. Унинг ташаббуси билан қуриб битказилган Янгибоғ билан Заркамар маҳаллаларини боғловчи эни 6,5 метр, узунлиги 40 метрлик кўприкдан аҳоли фойдалана бошлади. 154 метр чуқурликдан чиқарилган учта қудуқ сувидан Долонсой, Оқтош, Саъдий Шерозий қишлоқ ва маҳаллаларининг эҳтиёжи қондирилди. Мактаблар, боғчалар таъмирланишига маблағлар ажратилди.

## «Ватан» номи билан бошланган иш

Президент Шавкат Мирзиёевнинг иккинчи совғаси Неъмат ҳожи Усмоновга топширилди.

Неъмат ҳожи Усмонов Камол ҳожи Мадумаров билан ака-уканинг фарзандлари ҳисобланишади. Бир тақдир, бир қисмат йўлини босиб ўтишган. У — Тожикистон қишлоқ хўжалиги университетининг профессори, боғбонлик касбини катта бир илмга айлантира олган миришкор. Камол ҳожи Мадумаровдан етти ёш кичик, 72 ёшда. Ғайрати ёш йигитларникидек. Тафаккур тарзи ҳамиша донишмандона бўлган.

— Бу соҳибкорларнинг қўли очиқлиги, саховатпешалиги йўлларини ёруғ қилиб келган, — дейди боғдорчиликда ўзи ҳам юксак натижаларга эришиб келаётган Муҳаммаджон ҳожи Мусабоев. — Биз барчамиз қавму қариндошлармиз. Қозонимизга ойлаб ёғ тушмаганини эслайман. Ота-боболаримиз бизга "тўғри фикр юрит, тўғри гапир, тўғри юр", деб ўргатишган. Бу ўгитнинг нечоғли тўғри эканлигини ҳаёт кўрсатди.

— Дастлаб фермер хўжалиги ташкил этганимда унинг номини "Ватан" деб қўйганман, — дейди Неъмат ҳожи Усмонов. — Кейинчалик фарзандларим ҳам фермер хўжалиги очиб, унга "Неъмат ҳожи" деб ном қўйишди. Аммо мен "Ватан" номи билан иш бошлаганман.

Неъмат ҳожи Усмонов раҳбарлигидаги хўжаликлар 200 гектардан зиёд ерга эга. 800 бош қўй-қўзи, 500 тонна сиғимга эга музлаткич, яна қанчадан-қанча тажриба участкалари, уруғчилик майдонлари... Бундай йирик хўжаликни бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Неъмат ҳожи Усмоновни фақат боғдорчилик эмас, ободончилик, фаровонлик, халқ манфаатлари каби инсонпарварликка йўғрилган ғоялар ҳам қизиқтиради.

— Биз Неъмат ҳожи Усмонов билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди Тожикистон қишлоқ хўжалиги институти профессори Саидали Гулов. — Бу киши ўз касбининг устаси. Ҳамиша мукаммалликка интилади. Бундай боғбонларнинг ҳар қандай ерни обод қилишга қурби етади.

Неъмат ҳожи Усмонов ҳамма соҳада янгилик тарафдори. Анъанавийликни замонавийлик билан уйғунлаштириб бориш самара беришини теран англайди. Янги-янги ўсимлик навларини излаб топиб, уни турли ҳудудларга тарқатади, тинмай изланади.

Неъмат ҳожи бу ишларни илмий асосда ўрганиб, илмий жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширади. Тожикистондаги боғдорчилик-узумчилик илмий-тадқиқот институтида у кафедра мудиридир. Узумнинг серҳосил ва ширин "Кардинал", "Фингир" навларини Хитойдан келтириб кўпайтирди. "Ғалаба" навининг Тожикистон ва Ўзбекистонда тарқалишига сабабчи бўлди.

## Кўнгил олмоқ савобдир

Турсунзодада Неъмат ҳожи Усмоновнинг йиллар давомида бева-бечоралар учун ошхона очиб, уларга бир кунда бир марта ўз маблағи ҳисобидан бепул овқат улашгани, бу эзгу ташаббусни ҳануз давом эттираётгани ҳақидаги илиқ сўзлар тез-тез қулоғимизга чалинади.

— Кўнгил олмоқ савоб, — дейди у. — Қайси юртда бўлмасин, Яратганнинг инояти билан бойликка эга бўлганлар шунинг бир улуши ғарибу бева-бечораларники эканлигини унутмасалар, дейман.

Неъмат ҳожи Усмонов оқил одам. Болалик пайтида мактабдан қайтгач, белкуракчаси билан бир челакни тупроққа ёки қумга тўлғазиб, йўлларнинг кемтик, чуқур ерларини тўлдириб, текислаб юрарди. Унинг бу одати бугун кенг миқёс касб этди. У тупроқни эъзозлаб, кўнгилларнинг кемтикларини тўлдиришга интилди. Ўз юртини обод кўришни орзу қилди. Интилишлари, орзу-умидлари икки қондош юрт давлат раҳбарларининг йўқлаб боришларига йўл очди. Бу эзгулик, яхшилик, ишонч, меҳр-муҳаббат ва инсонийликка йўғрилгани билан улуғворлик касб этди.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари ташаббускори бўлиб чиққанида менинг кўнглимдаги иш бўлганди, — дейди у ўттиз турдан ортиқ ўсимликлар ва кўчатлар парваришланаётган шинам боғчасининг бурчагидаги учи ингичка қуюқ япроқли кўм-кўк дарахтни кўрсатиб. — Мен анави дарахтни яхши кўраман. Пирамидага ўхшаб ўсгани учун "Пирамида дарахт" дейишади. Термизга борганимда шу дарахтнинг бир маъмурий бино атрофида ўстирилаётганини кўриб, ниҳоятда шодландим. Шу дарахтни Тожикистонда ҳам кўпайтириш ниятим бор. Бир куни Президент Эмомали Раҳмон менга "Сиз бахтли одамсиз, Душанбеда Президент саройи олдида дарахтларингиз яшнаб турибди", деганди. У ерга ҳам кўчатни ўзим етказиб берганман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ободончилик ишларига юксак эътиборига ҳавасим келиб, бир қўлларини олсаму, ҳаммаси учун раҳмат, айтсам деб хаёл сурардим. Баъзан бу амалга ошмас хаёл, дердим. Худонинг ўзи етказди. Ўзлари кириб келдилар. Қўлларини ушлаб, ҳаммаси учун раҳмат, дедим. Қаранг, ширин хаёлим ҳақиқатга айланди. Шавкат Мирзиёев боғларимизни кўриб, хурсанд бўлдилар. Оддий, самимий инсон эканлар. "Бизнинг боғларимизни ҳам кўрдингизми?" дедилар. Деновга, Фарғонага борганимни айтдим. "Паркентгаям бордингизми?" дедилар. Энди бориш ниятида эканлигимни билдирдим. У киши бизнинг ишларимизни кўриб, мамнун бўлганликларидан билдимки, ўзлари ҳам меҳнатнинг қадрига етар, ерга меҳр билан муносабатда бўлар эканлар. Бу бизни жуда қувонтирди, катта куч олгандек бўлдик.

Неъмат отанинг эътироф этганича бор. Чиндан ҳам, Ўзбекистон Президентининг қўшни давлатлар, хусусан, Тожикистон билан очиқлик, ҳамкорлик ва бағрикенглик сиёсати икки давлат халқига ҳам чексиз қувонч бағишламоқда. Буларнинг барчаси кўп минг йиллик дўстона алоқалар, қардошлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

**Шойим БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Тожикистон Республикаси, Турсунзода тумани.**

# 25 оила уйли бўлди

*Жиззах шаҳрида ногиронлиги бўлган, кам таъминланган 25 оилага янги уй-жойлар калити топширилди.*

**Ижтимоий ҳимоя**

— Давлатимизга раҳмат, мен ва мендек инсонларга шундай бахтни туҳфа этди, — дейди янги хонадон соҳибларидан бири Фаррух Шодиев. — Турмуш ўртоғим ҳам уйда ўтириб меҳнат қилиши учун иш топди.

Янги тураржой бекаларининг касаначилик, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун шароит яратилди, шунингдек, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлаштирилди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Давра суҳбати**

# Солиқ ислоҳоти — халқаро экспертлар нигоҳида

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил июнь ойидаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, булар иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади.*

Концепция лойиҳаси Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва халқаро экспертларнинг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтган. Унга 2019 йил 1 январдан бошлаб, бир қатор ўзгартишлар киритилмоқда, чунончи, барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдорида жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтириш назарда тутиляпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистонда солиқ ислоҳоти — халқаро экспертлар нигоҳида" мавзуида ўтказилган давра суҳбатида шулар хусусида сўз юритилди.

Парламент қуйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, Жаҳон банки ва Россия Федерацияси вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикасида солиқ ислоҳотларини ислоҳ қилишга кўмаклашиш бўйича Жаҳон банки солиқ миссияси раҳбари Ражуль Авасти таъкидлаганидек, солиқ ислоҳотларини амалга оширишда қадам-бақадамлик ёндашувига риоя қилиш лозим. Зеро, бундай мезон зарурат туғилганда солиқ сиёсатига қўшимча ўзгартиришлар киритиш имконини беради ҳамда кенг жамоатчилик ва солиқ тўловчилар билан ўзаро маслаҳатлашувлар учун вақт тақдим этади.

Экспертнинг фикрича, солиқ тизими тенглик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида йўлга қўйилиши лозим. Шунингдек, самарали ва рақобатдош солиқ тизимини яратиш, турли даражалардаги бюджетга солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлаш долзарб бўлиб, бу хорижий инвесторларни жалб қилиш, бизнесни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

— Бунда Солиқ кодексини соддалаштириш муҳим қадамлардан бири саналади, — дейди Р. Авасти. — Ўзбекистон ушбу йўналишда иш бошлади ва Жаҳон банки мамлакатингиз билан бу борадаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди. Бизнинг банк ҳамда Ўзбекистон Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси вакилларидан иборат ишчи гуруҳи шакллантирилгани бунинг амалий ифодасидир. Ўзаро ҳамкорликдаги дастур доирасида солиқ юкини камайтириш бўйича бир қатор ташаббусларни амалга ошириш бошланди. Мамлакат таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида хизматлар кўрсатиш сифатини оширишни кўзлаган бир шароитда Давлат бюджети тушумлари барқарорлигини таъминлаш асосий мақсаддир.

Мукаммал солиқ тизими ва солиқ маъмуриятчилиги бу, Р. Авастининг фикрича, дунё иқтисодчиларининг бор билимидан, ривожланган давлатлар тажрибасидан амалиётда фойдаланишни тақозо этади. Кўп ҳолларда солиқ сиёсати фақат қоғозда жозибадор ва самарадор бўлиб кўриниши мумкин, аммо уни амалга ошириш босқичида турли муаммолар вужудга келади. Шу ўринда иқтисодчи олим Адам Смитнинг солиққа оид машҳур тамойиллари — аниқлик, оддийлик, қулайлик ва иқтисод қилишни келтириш ўринли. Айтиш мумкинки, булар ҳозирги вақтгача долзарблигича қолмоқда ва ҳаётийлигини йўқотмаган.

Россия Федерациясининг Солиқ кодексини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган халқаро эксперт ва маслаҳатчи Сергей Шаталов ўз чиқишида хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва таққослаш асосида Ўзбекистоннинг солиқ соҳасидаги тизимли муаммоларини таҳлил қилиб берди.

Давра суҳбати давомида етакчи миллий ва хорижий экспертлар, республиканинг турли вазирлик ҳамда идоралари мутахассислари иштирокида музокаралар бўлиб ўтди.

**З. ИСМОИЛОВА.**

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

# БЮДЖЕТДА ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНИШИ ЗАРУР

*Олий Мажлис Сенатида Жаҳон банки ва Европа иттифоқининг қўшма миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.*

Унда мамлакатимизда олиб борилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар бюджет жараёнини халқаро мезонлар ва стандартлар асосида ташкил қилишни тақозо этаётгани таъкидланди.

Давлат ва жамоатчилик учун молиявий ҳисобот стандартларига (International Public Sector Accounting Standards, IPSAS) кўра, мамлакатнинг давлат ва маҳаллий даражадаги бюджет жараёнлари тегишли тузилмаларга, жамоатчиликка очиқ ҳамда тушунарли тарзда тақдим этиб борилиши лозим. Президентимизнинг жорий йил 22 августдаги "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишда муҳим қадам бўлиб, мамлакатимизда бюджет жараёнлари очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Учрашувда қўшма миссия аъзолари мамлакатимизда Давлат бюджети параметрлари ижроси устидан парламент назорати ҳамда қонун ҳужжатлари нуқтаи назаридан бюджет аудити назорати ҳақида батафсил хабардор этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда мазкур йўналишларда парламент назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ҳисоб палатасига ташқи аудит ўтказиш ҳамда баҳолаш учун ҳар ҳисобот йилида 5 апрелга қадар юборади.

Учрашувда айтиб ўтилганидек, жорий йилда Жаҳон банки ва Европа иттифоқининг қўшма миссияси давлат харажатлари ва молиявий ҳисобот / PEFA талаблари ҳамда стандартларига мувофиқ, мамлакатимиздаги молия ва бюджет интизомини, бюджет ресурслари, шунингдек, молиявий хизматларни тақсимлаш самарадорлигини баҳолайди ҳамда ўз тавсияларини тақдим этади.

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Ташқи савдо вазирлиги фаолиятига доир ахборот эшитилди.*

# ҚЎМИТА ВА ВАЗИРЛИК АХБОРОТ БЕРДИ

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 21 июнь куни тармоқлар ва ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолати, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ҳамда ўзлаштириш натижалари таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда инвестиция муҳити яхшилангани туфайли иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри сармоялар фаол кириб келмоқда.

Хусусан, хорижий давлатларга ташрифлар ва музокаралар натижасида қиймати 17 миллиард доллар бўлган 182 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш тўғрисида дастлабки келишувга эришилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида умумий қиймати 64 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 849 та лойиҳа рўйхати тузилди.

Амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, мазкур йўналишларда ўз ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ҳамда қарорлар тўлиқ бажарилмаслиги, шунингдек, мурожаатлар билан ишлаш борасида ҳам муаммолар борлиги мамлакатимиз иқтисодиётига ҳамда халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатиши айтиб ўтилди.

Маърузачилар ўз чиқишларида назоратни янада кучайтириш, хусусан, Президент қарорлари ва фармойишларидаги топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

Муносабат

# «Ўқитувчининг замони келди»

## — дейишмоқда маърифат фидойилари

*Президентимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табриги ҳамда шу йил 28 сентябрдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони қалбларга зиё улашувчи касб соҳибларини ниҳоятда мамнун этди.*

*Бундай юксак эҳтирому эъзозга муяссар бўлган маърифат фидойилари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.*

**Гулчеҳра МУТАЛОВА, Пискент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби:**

— Моддий жиҳатдан таъминланган, маънавий жиҳатдан қадр топган инсон жўш уриб меҳнат қилади, унинг эртанги кунга ишончи мустаҳкам бўлади, қалбида эзгу орзу-ниятлар барқ уради.

Президентимизнинг табригини эшитиб, мен каби бир гуруҳ ҳамкасбларимнинг юксак давлат мукофотлари билан тақдирланганини кўриб, дилимдан мана шу фикрлар ўтди. Зеро, бугунги кунда мамлакатимизда айни шу ҳолатнинг яққол гувоҳи бўлиб турибмиз. Ўқитувчиларнинг ойлик маошлари оширилиб, уларнинг ҳар томонлама фаровон яшаши учун кенг қулайликлар яратилаётгани, энг муҳими, ёш авлод камолотидек улуғ ишга бел боғлаган шарафли касб соҳибларининг мажбурий меҳнатдан буткул озод этилиши қадримиз юксалганидан, меҳнатимиз эъзоз топаётганидан далолат. Бундай эътибор ва ғамхўрлик меваси яқин келажакда мамлакатимиз тараққиётида, халқимизнинг тинч ва тўкис ҳаётида бўй кўрсатиши, шубҳасиз.

**Равшаной ҚОДИРОВА, Андижон шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби:**

— Барча соҳада бўлаётган мислсиз ўзгаришларни, ҳамма касб-ҳунар соҳибларининг ишлаши ва яшаши учун яратилаётган қулай шароитларни камситмаган ҳолда айтаманки, бугун ўқитувчининг замони келди. Президентимиз табригида қайд қилинганидек, бошланғич ва юқори синф ўқитувчиларининг маошлари тенглаштирилди, янги йилдан бошлаб мутахассис ўқитувчиларнинг оширилган ойлик иш ҳақи миқдори 54 фоизга, олий тоифали педагогларники эса 64 фоизга етиши кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, педагог ходимларни намунавий арзон уй-жойлар, автотранспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш, уларнинг оила аъзоларига тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзли кредитлар ажратиш тизими йўлга қўйилди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан бағоят хурсандмиз. Хусусан, Андижон шаҳрида имтиёзли шартлар асосида арзон уй-жойлар соҳибига айланган 30 нафар ҳамкасбимнинг қувончига ўзим гувоҳман. Касб байрамимиз арафасида юксак давлат ордени билан тақдирланганим мен учун катта совға бўлди. Бундай эъзоз ва ишончга муносиб бўлиш учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

**Замира ТУРДИБЕКОВА, Бекобод шаҳридаги 5-мактабгача таълим муассасаси мудири, “Шуҳрат” медали соҳиби:**

— Президентимиз табригида юртимизда илк бор Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилиб, мазкур тизим қисқа даврда тубдан янгилангани, 980 дан ортиқ мактабгача таълим муассасалари қурилиб, ишга туширилгани, бу масканларда таълим-тарбия ишлари мазмун ва сифат жиҳатидан энг илғор усул ҳамда воситалар ёрдамида олиб борилаётгани қайд этилди. Бундан чексиз ғурур ва ифтихор ҳиссини туйдим.

Бугун мактабгача таълим муассасалари мазмун ва сифат ўзгариши, бола шахсига қаратилган эътибор борасида туб бурилишлар бўлаётган бир даврда, ушбу ислоҳотларга мен ҳам ўз ҳиссамни қўшаётганимдан ниҳоятда мамнунман. Зеро, муассасамизда соғлом муҳитни қарор топтириш, кичкинтойларни ҳар томонлама мактаб таълимига сифатли тайёрлаш мақсадида қилган меҳнатларимиз ўз натижаларини беряпти. Тарбияланувчиларимиз сафи кундан-кун кенгайиб бормоқда. Ота-оналарнинг бизга билдираётган ишончини суиистеъмол қилмасликка, жажжи ўғил-қизларнинг ҳар бирига келажагимиз эгалари, деб қарашга интиляпмиз.

Тарбиячиликдек сермашаққат касб ортидан элда ҳурмат топганимдан, давлатимиз томонидан “Шуҳрат” медали билан тақдирланганимдан жуда хурсандман. Барча ҳамкасбларимнинг шундай тақдир соҳиби бўлиб яшашларини истайман.

**Дилшод КАРИМОВ ёзиб олди.**

# Дастур ижроси Хоразмда қандай бажарилмоқда?

*Бугун барча соҳада бўлгани каби парламент қуйи палатасининг назорат-таҳлил фаолиятига ҳам янгича ёндашувлар жорий қилинмоқда. Депутатлар ҳудудларда ҳар бир дастур ёки қонуннинг ижросини ўрганиб, уларнинг натижаларини жойларнинг ўзида муҳокама қилган ҳолда, аниқланган камчилик ва муаммолар ечимига алоҳида эътибор қаратяпти.*

### ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурининг амалга оширилишини парламент назорати доирасида Хоразм вилояти мисолида ўрганиш бўйича ўтказилган йиғилишида ана шу натижалар муҳокама қилинди.

Депутатлар, тегишли вазирликлар, идоралар ва мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда тадбиркорлар қатнашган тадбирда Президентимизнинг 2018 йил 7 июндаги тегишли қарорига мувофиқ, юртимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало, олис ҳамда табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури ижросини таъминлаш кичик бизнес, хусусий, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми экани алоҳида қайд этилди.

Дастур қабул қилинганига 3 ойдан кўпроқ вақт ўтди. Парламент назорати доирасида депутатлар томонидан мазкур дастурнинг Хоразм вилояти Қўшкўпир, Янгиариқ туманларида ва Хива шаҳрида бажарилиш ҳолати ўрганилди.

Таъкидланганидек, воҳада ушбу дастур ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар қилинган. Вилоят бўйича жами 1570 та тадбиркорлик субъекти ва фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, улар томонидан жами 58 миллиард 95 миллион сўмлик кредит маблағлари олиш истаги билдирилган. Шундан бугунги кунда ҳудуддаги тижорат банкларига тақдим қилинган ҳужжатлар асосида 708 та лойиҳа бўйича жами 21 миллиард 922 миллион сўмлик кредит ажратилган.

— Ўрганишлар жараёнида ҳудудий ишчи гуруҳлар раҳбарлари, бириктирилган масъул банк ходимлари билан бирга Қўшкўпир, Янгиариқ туманлари ва Хива шаҳрининг айрим қишлоқларидаги аҳоли билан учрашдик, хонадонларда бўлдик, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Клара Жумамуратова. — Жойлардаги айрим тадбиркорлик субъектлари иштирокида учрашувлар ўтказилди. Одамлар билан мулоқот бу борада тарғибот-ташвиқот, дастурнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш ишларини янада жонлантириш лозимлигини кўрсатди. Маҳаллалар кесимида тузилган ҳудудий ишчи гуруҳлар аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда фаоллари маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда бу дастурни чуқур ўрганиб, ташкилий ишларнинг қайта кўриб чиқилишига зарурат борлигини аниқлашди. Тадбиркорлар билан суҳбатлашилганда асосий муаммолар ушбу ҳудудларда тадбиркорликка ер майдонларини ажратиш, инфратузилмаларни ташкил қилиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотилишида ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқлиги ойдинлашди. Парламент назорати доирасида аниқланган масалалар юзасидан жойида — Хоразм вилояти ҳокими раҳбарлигида вилоят бўйича танқидий руҳда селектор йиғилиши ўтказилди. Вилоят ҳамда туман раҳбарлари, фаоллари ва МФЙ раислари қатнашган йиғилишда ҳар бир туман ҳокими дастур ижроси юзасидан шахсан ўз ҳудуди бўйича ҳисобот берди. Албатта, буларнинг барчаси мавжуд муаммоларни жойида ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишда жойларда оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва бу борада тўсиқ бўлаётган омиллар таҳлил қилинди. Бу бўйича Марказий банк ҳамда Молия вазирлиги мутасаддиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Хусусан, Молия вазирлиги томонидан ушбу масала юзасидан Жиззах вилоятида ўтказилган мониторинг натижаларига эътибор қаратилди. Ҳудудий ишчи гуруҳи томонидан аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш бўйича амалга оширилган ишлар туманлар кесимида таҳлил қилинганда Бахмал, Зомин, Зарбдор, Зафаробод, Пахтакор, Янгиобод туманлари, Жиззах шаҳрида ишлар қониқарсиз ташкил этилгани келтириб ўтилди. Дастур бўйича 101 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратиш режалаштирилган бўлса, бугунги кунгача 33 та тадбиркорлик субъектига 1,4 миллиард сўм берилган. Жами кредитнинг 1,3 фоизи ўзлаштирилган холос. Шунингдек, Бахмал, Зомин, Зарбдор, Пахтакор туманларида имтиёзли кредит умуман ажратилмаган. Фориш, Зафаробод, Янгиобод туманларида бир нафар фуқарога 25 миллион сўм имтиёзли кредит берилган. Зафаробод туманида аниқланган 3089 та муаммонинг 412 таси бандлик, 97 таси банк кредити, 17 таси тадбиркорлик билан боғлиқ масаладир. Фуқароларнинг банк кредитига тааллуқли 97 та масаласи бугунги кунда ҳам ўз ечимини топмаган.

Тадбирда мавжуд масалаларнинг ечими хусусида фикр алмашилди. Иқтисодиётда оилавий бизнес улушини ошириш бўйича хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда, оилавий тадбиркорликнинг кенг қулоч ёзишига қулай муҳит яратилиши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш, жойларда имтиёзли кредитлар бериш, гаров масалалари, тадбиркорликка ер майдонлари ажратиш, инфратузилмаларни ташкил қилиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш каби долзарб масалалар муҳокамалар марказида бўлди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга эътибор қаратилди.

Якунда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда, қўмитанинг тегишли тавсиялари ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

1



Айни пайтда республикамизда полипропилен қоп ишлаб чиқарувчи корхоналар 20 дан ортиқ. Бу бир хил маҳсулот тайёрлаш бўйича кам кўрсаткич эмас. Эътиборлиси шундаки, биз сўз юритаётган тадбиркорлик субъекти жамоаси бу борада режани пишиқ қилган. Бизнеснинг “плюс-минус” томонлари иш бошланмасдан илгарироқ ҳисоблаб чиқилган. Шу боис бугунги кунда корхона маҳсулотлари нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам харидоргир.

Ҳозир мамлакатимизда полипропилен қопларга бўлган талаб анча юқори. Маълумотларга кўра, ўтган йили 1 миллион 410 минг тонна шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 1 миллион 480 минг тоннага етади. 2019-2020 йилларда эса эҳтиёж янада юқори — мос равишда 1 миллион 610 минг ва 2 миллион 270 минг тоннани ташкил этади. Шу маънода, тадбиркорлик жамоаси тўғри йўлни танлаган, десак, хато бўлмайди.

— Ишлаб чиқариш линияларимиз Ҳиндистоннинг “Lohia Corp Limited” компанияси асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, — дейди корхона бош директори Азмиддин Бузуруков. — Биз бежиз ушбу компанияни танламаганмиз, чунки у полипропилен қоплар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар тайёрлаш учун мўлжалланган ускуналар борасида дунёда илғор. Айни пайтда улар ёрдамида бир кеча-кундузда 7,5 тонна полипропилен қоп, мультифиламент иплар ҳамда қуёшдан ҳимоя қилувчи сеткалар ишлаб чиқаряпмиз.

Шу ўринда юртимизда тадбиркорлик учун барча шарт-шароит яратилиб, солиқ, божхона, ташқи савдо йўналишларида енгилликлар берилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Банклар лойиҳаларимизни астойдил қўллаб-қувватламоқда. Мана шундай қулайликлар туфайли иш фаолиятимизни изчил кенгайтириб боряпмиз. Жумладан, жорий йилнинг май ойида “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан ажратилган 2 миллион 500 минг АҚШ долларилик кредитни “big-bag”, яъни катта сиғимли қоп ишлаб чиқариш лойиҳаси ижроси учун йўналтирганмиз. Айни пайтда ушбу маблағ ҳисобига хориждан янги ускуналар харид қилинди. Шу пайтгача қопларимиз сиғими 25, 50, 60 килограммни ташкил қилар эди. Мазкур лойиҳа туфайли 500 килограммдан 3,5 тоннагача сиғимга эга катта қоплар тайёрлашни ўзлаштиряпмиз. Бу — ички бозоримиз учун янгилик. Қолаверса, унга хориждан ҳам кўплаб буюртмалар олганмиз.

Корхона томонидан ўтган йили 14,4 миллиард сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, шундан 800 миллион сўмлиги хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди. Жорий йилнинг саккиз ойида эса 11,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шунинг 540 миллион сўмлиги экспортга йўналтирилди. Буюртмачилар сафида Қозоғистон, Туркия, Тожикистон, Афғонистон, Туркманистон, Ирландия каби давлатлар ишбилармонлари бор.

Энг муҳими, маҳсулот учун асосий хом ашё — гранула маҳаллий корхонадан, яъни Қорақалпоғистон Республикасидаги “ЎзКорГаз” қўшма корхонасидан олинмоқда. Бу эса иш унумдорлиги ва узлуксизлигини таъминламоқда.

Корхонада ҳозир 60 киши меҳнат қиляпти. Юқорида келтирганимиз — катта қоп тайёрлаш лойиҳаси доирасида яна 15 киши доимий иш жойига эга бўлиши кутилаётгани фикримиз тасдиғидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Таълим

*Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси аъзоси, биология фанлари доктори, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Бакриддин Зарипов Ромитан туманидаги 15-умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчиларига дарс ўтди.*

## Академик қишлоқ ўқувчиларига дарс ўтди

— Туманимизда давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 19 майда қабул қилинган “Бухоро вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ижроси доирасида “BCT Cluster Agrokompleks” масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсатмоқда, — дейди мактаб директори ўринбосари Замира Мирзаева. — Билим даргоҳимиз шу корхона ҳудудида жойлашган. Кўплаб ўқувчиларимизнинг ота-оналари мазкур агрокомплексда меҳнат қилишмоқда. Шу нуқтаи назардан, академик Бакриддин Зариповнинг замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластери мазмун-моҳиятига бағишланган кенг қамровли сабоғи ёшларимиз учун жуда фойдали бўлди.

Шу куни мактабга китоблар ҳам совға қилинди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# МАКТАБЛАРНИ ХАЛҚ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ ПЛАТФОРМАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

*Мамлакатимизда мактабларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистонда илк бор “Краудфандинг” (халқ томонидан молиялаш) платформаси — Mfond.uz ишга туширилди.*

### ЯНГИЛИК

Ёшлар пресс-клубида ташкил этилган лойиҳа тақдимотида турли вазирлик ва идоралар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар қатнашди.

Ҳар қандай давлат ва жамият ривожи таълим тизимидаги муваффақиятларга боғлиқ экани таъкидланди. Шундай экан билим даргоҳлари, жумладан, мактаблар замонавий талаблар асосида жиҳозланиши, уларда таълим-тарбия олаётган эртамиз эгалари давр билан ҳамнафас бўлиши керак. Бундай шароитни яратишда нафақат давлат, балки кенг жамоатчиликнинг ёрдами жуда муҳим.

Тадбирда “Краудфандинг” платформасининг бу борада кенг имкониятларга эга экани тушунтирилди.

Таъкидланганидек, Mfond орқали ҳомийлар, ота-оналар, чет элда яшовчи ватандошларимиз, жумладан, мактабнинг собиқ ўқувчилари умумтаълим муассасаларига моддий ва маънавий кўмак кўрсатишлари мумкин. Маблағларни Payme, Upay, Click маҳаллий ва Visa, MasterCard ҳамда бошқа халқаро тўлов тизимлари орқали ўтказиш имконияти мавжуд.

Жалб қилинган маблағлар мактабларда лабораториялар, “ақлли” синфлар ташкил этиш, таълим муассасаси инфратузилмасини янада яхшилаш, қолаверса, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилади. Харажатларнинг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланади.

**Юлдуз ЎРМОНОВА.**

Хизмат

## Ўтов шаклидаги бекат

*Қонликўл туманининг “Бешкўприк” овул фуқаролар йиғинида йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида бунёдкорликнинг миллий ва замонавий жиҳатлари уйғунлаштирилган ўтов шаклидаги бекат қурилди.*

*Бекат қорақалпоқ миллий нақшлари билан безатилган бўлиб, қулай ва бежирим ўриндиқлар ўрнатилган.*

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Имконият

# «ТАРАҚҚИЁТ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА РЎЙХАТГА ОЛИШ БОШЛАНДИ

*Президентимизнинг шу йил 30 майдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва “Буюк келажак” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида “Тараққиёт” республика танлови ташкил этилгани истиқболли бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашишда айни муддао бўлди.*

Инновацион ривожланиш вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, “Тараққиёт” танловига талабгорларни рўйхатга олиш бошланган.

Унда таянч олий маълумотга ва тегишли соҳада раҳбарлик лавозимида камида уч йиллик иш тажрибасига эга, 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган (45 ёш ҳам қўшилган ҳолда) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Талабгорлар давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ, молия-кредит, саноат, ахборот технологиялари ва коммуникациялари, қишлоқ ҳамда сув хўжалиги, архитектура ва қурилиш, коммунал хўжалик, солиқ ҳамда божхона, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, таълим, фан ва инновация, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва спорт, ташқи сиёсат, ташқи иқтисодий фаолият ҳамда туризм, макроиқтисодиёт ва ҳудудий ривожланиш, транспорт ҳамда логистика каби 16 та номинация бўйича сараланади.

Давлат ташкилотларида меҳнат қилаётганларнинг танловда қатнашиш даврида уларнинг эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади. Ғолибларга энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, финал босқичининг қолган иштирокчиларига эса энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти тўланади. Якуний босқичнинг қолган қатнашчилари тегишли соҳанинг бошқарув кадрлари захирасига киритилади.

Ғолиблар Академия ҳамда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази базасида тегишли соҳага оид вазирликлар, идоралар, йирик компаниялар раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий юқори малакали мутахассислар ҳамда олимлар иштирокида ўтказиладиган, ривожланган хорижий мамлакатларнинг соҳага оид ташкилотларида танловнинг тегишли номинациялари юзасидан стажировка ўташни ўз ичига оладиган “Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Президент дастури”га мувофиқ, уч ойлик курсларда ўқийдилар.

Талабгорлар жорий йилнинг 1 октябридан 30 октябрига қадар рўйхатдан ўтишлари лозим.

**Д. ЙЎЛДОШЕВ.**

ЭЪЛОН

«QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасининг 2018 йил 27 сентябрдаги 04-2/10-6439-сонли алоқа хатига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Т. Қайипбергенов кўчаси, 57-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/815 GAA бўлган, қониқарсиз ҳолатдаги, таъмирталаб, «Chevrolet Niva» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 18 230 600 сўм.**

- 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/816 GAA бўлган, қониқарсиз ҳолатдаги, таъмирталаб, «Chevrolet Niva» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 16 430 500 сўм.**

- 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/779 GAA бўлган, қониқарсиз ҳолатдаги, таъмирталаб «Chevrolet Niva» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 16 430 500 сўм.**

- 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/798 GAA бўлган, қониқарсиз ҳолатдаги, таъмирталаб, «Chevrolet Niva» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 16 430 500 сўм.**

Аукцион савдоси 2018 йил 6 ноябрь куни соат 12.00 да Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уйда жойлашган «QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ биносида ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2018 йил 5 ноябрь куни соат 18.00. Мазкур автотранспорт воситалари 2018 йил 6 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2018 йил 16 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдоси учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2018 йил 15 ноябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдода қатнашиш учун талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ савдо ташкилотчисининг «Туронбанк» АТБ Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204942016001, МФО: 00585, СТИР: 302129374, ОКОНХ: 84200.

**Аукцион савдолари ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй. Телефон: (61) 222-84-44. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz**

*Гувоҳнома № 9506.*

837J/438

XALQ BANKI

# Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг

## «Кўҳна Хива» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси бўйича 2018 йил 28 сентябрда Хива шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражи

## РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

**«Кўҳна Хива» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилиб, унда 677 984 000 (олти юз етмиш етти миллион тўққиз юз саксон тўрт минг) сўмлик 49 600 (қирқ тўққиз минг олти юз) та, икки разрядда 1 355 968 000 (бир миллиард уч юз эллик беш миллион тўққиз юз олтмиш саккиз минг) сўмлик 99 200 (тўқсон тўққиз минг икки юз) та пул-буюм ютуқлари ўйналди. Ютуқли лотереялар иккита разряддаги бир хил серия ва билет рақамлари бўйича ютуқли ҳисобланади.**

***Серия ва билет рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига жадвалда қайд этилган пул-буюм ютуқлари чиқди:***

| Т/р | Ютуқ номи | Серия рақами | Билет рақами |
|---|---|---|---|
| 1 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000015 | 001-200 |
| 2 | 50 000 сўм пул ютуғи | 000039 | 001-200 |
| 3 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000044 | 001-200 |
| 4 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000050 | 041*) |
| 5 | 50 000 сўм пул ютуғи | 000052 | 001-200 |
| 6 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000063 | 080*) |
| 7 | 10 000 сўм пул ютуғи | 000095 | 001-200 |
| 8 | 10 000 сўм пул ютуғи | 000140 | 001-200 |
| 9 | 10 000 сўм пул ютуғи | 000149 | 001-200 |
| 10 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000159 | 001-200 |
| 11 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000174 | 001-200 |
| 12 | Хивага йўлланма (2 кишилик) | 000179 | 158*) |
| 13 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000185 | 049*) |
| 14 | 10 000 сўм пул ютуғи | 000189 | 001-200 |
| 15 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000194 | 001-200 |
| 16 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000199 | 183*) |
| 17 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000214 | 141*) |
| 18 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000228 | 001-200 |
| 19 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000315 | 062*) |
| 20 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000325 | 197*) |
| 21 | 50 000 сўм пул ютуғи | 000377 | 001-200 |
| 22 | 10 000 сўм пул ютуғи | 000410 | 001-200 |
| 23 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000422 | 192*) |
| 24 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000441 | 001-200 |
| 25 | 10 000 сўм пул ютуғи | 000446 | 001-200 |
| 26 | 10 000 сўм пул ютуғи | 000459 | 001-200 |
| 27 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000461 | 001-200 |
| 28 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000467 | 001-200 |
| 29 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000488 | 001-200 |
| 30 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000496 | 001-200 |
| 31 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000511 | 001-200 |
| 32 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000547 | 194*) |
| 33 | 10 000 сўм пул ютуғи | 000565 | 001-200 |
| 34 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000566 | 037*) |
| 35 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000574 | 001*) |
| 36 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000588 | 001-200 |
| 37 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000597 | 001-200 |
| 38 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000615 | 145*) |
| 39 | Хивага йўлланма (2 кишилик) | 000617 | 070*) |
| 40 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000620 | 001-200 |
| 41 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000664 | 136*) |
| 42 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000682 | 121*) |
| 43 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000701 | 188*) |
| 44 | 10 000 сўм пул ютуғи | 000735 | 001-200 |
| 45 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000763 | 051*) |
| 46 | 10 000 сўм пул ютуғи | 000768 | 001-200 |
| 47 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000774 | 123*) |
| 48 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000781 | 001-200 |
| 49 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000785 | 001-200 |
| 50 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000792 | 050*) |
| 51 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000796 | 136*) |
| 52 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000802 | 033*) |
| 53 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000806 | 103*) |
| 54 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000817 | 001-200 |
| 55 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 000830 | 126*) |
| 56 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000834 | 001-200 |
| 57 | Хивага йўлланма (2 кишилик) | 000866 | 027*) |
| 58 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000872 | 066*) |
| 59 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000882 | 004*) |
| 60 | 25 000 сўм пул ютуғи | 000887 | 001-200 |
| 61 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000888 | 119*) |
| 62 | 10 000 сўм пул ютуғи | 000906 | 001-200 |
| 63 | 50 000 сўм пул ютуғи | 000912 | 001-200 |
| 64 | 500 000 сўм пул ютуғи | 000954 | 132*) |
| 65 | 10 000 сўм пул ютуғи | 000976 | 001-200 |
| 66 | 25 000 сўм пул ютуғи | 000979 | 001-200 |
| 67 | 5 000 сўм пул ютуғи | 000982 | 001-200 |
| 68 | Хивага йўлланма (2 кишилик) | 000995 | 060*) |
| 69 | 1 000 000 сўм пул ютуғи | 000999 | 046*) |
| 70 | 1 000 000 сўм пул ютуғи | 001005 | 092*) |
| 71 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001006 | 001-200 |
| 72 | 1 000 000 сўм пул ютуғи | 001066 | 147*) |
| 73 | 10 000 сўм пул ютуғи | 001089 | 001-200 |
| 74 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001110 | 001-200 |
| 75 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001119 | 100*) |
| 76 | 50 000 сўм пул ютуғи | 001145 | 001-200 |
| 77 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001159 | 001-200 |
| 78 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001170 | 001-200 |
| 79 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001190 | 001-200 |
| 80 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001211 | 055*) |
| 81 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001219 | 001-200 |
| 82 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001235 | 119*) |
| 83 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001263 | 200*) |
| 84 | 10 000 сўм пул ютуғи | 001269 | 001-200 |
| 85 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 001275 | 060*) |
| 86 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001324 | 053*) |
| 87 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001341 | 001-200 |
| 88 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001344 | 001-200 |
| 89 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001371 | 121*) |
| 90 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 001380 | 077*) |
| 91 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 001384 | 092*) |
| 92 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 001385 | 176*) |
| 93 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001388 | 008*) |
| 94 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001390 | 001-200 |
| 95 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 001392 | 180*) |
| 96 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001399 | 001-200 |
| 97 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 001420 | 122*) |
| 98 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001429 | 063*) |
| 99 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001437 | 001-200 |
| 100 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001509 | 001-200 |
| 101 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001516 | 184*) |
| 102 | Хивага йўлланма (2 кишилик) | 001518 | 167*) |
| 103 | 25 000 сўм пул ютуғи | 001537 | 001-200 |
| 104 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001541 | 001-200 |
| 105 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001549 | 001-200 |
| 106 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001569 | 001-200 |
| 107 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 001578 | 084*) |
| 108 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001650 | 094*) |
| 109 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001651 | 001-200 |
| 110 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 001669 | 041*) |
| 111 | 25 000 сўм пул ютуғи | 001689 | 001-200 |
| 112 | 50 000 сўм пул ютуғи | 001713 | 001-200 |
| 113 | 10 000 сўм пул ютуғи | 001715 | 001-200 |
| 114 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001727 | 001-200 |
| 115 | 25 000 сўм пул ютуғи | 001735 | 001-200 |
| 116 | 10 000 сўм пул ютуғи | 001761 | 001-200 |
| 117 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001763 | 193*) |
| 118 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001799 | 109*) |
| 119 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001800 | 155*) |
| 120 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001802 | 001-200 |
| 121 | 10 000 сўм пул ютуғи | 001809 | 001-200 |
| 122 | 25 000 сўм пул ютуғи | 001845 | 001-200 |
| 123 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 001851 | 069*) |
| 124 | 500 000 сўм пул ютуғи | 001859 | 200*) |
| 125 | 25 000 сўм пул ютуғи | 001914 | 001-200 |
| 126 | 25 000 сўм пул ютуғи | 001941 | 001-200 |
| 127 | 25 000 сўм пул ютуғи | 001979 | 001-200 |
| 128 | 5 000 сўм пул ютуғи | 001986 | 001-200 |
| 129 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002056 | 001-200 |
| 130 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002103 | 001-200 |
| 131 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002116 | 001-200 |
| 132 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002152 | 001-200 |
| 133 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002180 | 001-200 |
| 134 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002181 | 001-200 |
| 135 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002182 | 001-200 |
| 136 | 5 000 000 сўм пул ютуғи | 002192 | 146*) |
| 137 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002197 | 001-200 |
| 138 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002206 | 134*) |
| 139 | Хивага йўлланма (2 кишилик) | 002209 | 166*) |
| 140 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002239 | 001-200 |
| 141 | «Nexia-3» автомобили | 002243 | 103*) |
| 142 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002276 | 114*) |
| 143 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002303 | 001-200 |
| 144 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002331 | 104*) |
| 145 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002350 | 001-200 |
| 146 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002358 | 001-200 |
| 147 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002392 | 001-200 |
| 148 | 25 000 сўм пул ютуғи | 002407 | 001-200 |
| 149 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002419 | 001-200 |
| 150 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002434 | 001-200 |
| 151 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002435 | 001-200 |
| 152 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002453 | 001-200 |
| 153 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002467 | 001-200 |
| 154 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002498 | 182*) |
| 155 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002512 | 001-200 |
| 156 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002525 | 109*) |
| 157 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002529 | 031*) |
| 158 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002550 | 200*) |
| 159 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002566 | 001-200 |
| 160 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002589 | 028*) |
| 161 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002614 | 017*) |
| 162 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002633 | 001-200 |
| 163 | 50 000 сўм пул ютуғи | 002663 | 001-200 |
| 164 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002677 | 106*) |
| 165 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002682 | 114*) |
| 166 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002688 | 160*) |
| 167 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002713 | 028*) |
| 168 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002726 | 001-200 |
| 169 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002730 | 116*) |
| 170 | 1 000 000 сўм пул ютуғи | 002735 | 040*) |
| 171 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002738 | 022*) |
| 172 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002759 | 001-200 |
| 173 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002786 | 183*) |
| 174 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002789 | 057*) |
| 175 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002810 | 127*) |
| 176 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002817 | 077*) |
| 177 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002826 | 001-200 |
| 178 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002828 | 001-200 |
| 179 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002831 | 001-200 |
| 180 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002832 | 109*) |
| 181 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002833 | 100*) |
| 182 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002840 | 001-200 |
| 183 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002845 | 063*) |
| 184 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002847 | 001-200 |
| 185 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002858 | 001-200 |
| 186 | 25 000 сўм пул ютуғи | 002875 | 001-200 |
| 187 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002882 | 029*) |
| 188 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002888 | 001-200 |
| 189 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002896 | 175*) |
| 190 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002898 | 001-200 |
| 191 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002911 | 057*) |
| 192 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002963 | 001-200 |
| 193 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 002971 | 179*) |
| 194 | 10 000 сўм пул ютуғи | 002972 | 001-200 |
| 195 | 500 000 сўм пул ютуғи | 002975 | 182*) |
| 196 | 5 000 сўм пул ютуғи | 002991 | 001-200 |
| 197 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003006 | 001-200 |
| 198 | Хивага йўлланма (2 кишилик) | 003014 | 170*) |
| 199 | 25 000 сўм пул ютуғи | 003032 | 001-200 |
| 200 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 003042 | 176*) |
| 201 | 10 000 сўм пул ютуғи | 003074 | 001-200 |
| 202 | 500 000 сўм пул ютуғи | 003075 | 192*) |
| 203 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003083 | 001-200 |
| 204 | 50 000 сўм пул ютуғи | 003092 | 001-200 |
| 205 | 10 000 сўм пул ютуғи | 003095 | 001-200 |
| 206 | 500 000 сўм пул ютуғи | 003106 | 048*) |
| 207 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003154 | 001-200 |
| 208 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003201 | 001-200 |
| 209 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003211 | 001-200 |
| 210 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003246 | 001-200 |
| 211 | 500 000 сўм пул ютуғи | 003247 | 061*) |
| 212 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003262 | 001-200 |
| 213 | 500 000 сўм пул ютуғи | 003289 | 199*) |
| 214 | 500 000 сўм пул ютуғи | 003292 | 131*) |
| 215 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003306 | 001-200 |
| 216 | 500 000 сўм пул ютуғи | 003322 | 180*) |
| 217 | 10 000 сўм пул ютуғи | 003331 | 001-200 |
| 218 | «Spark» автомобили | 003337 | 146*) |
| 219 | 500 000 сўм пул ютуғи | 003345 | 154*) |
| 220 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003346 | 001-200 |
| 221 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003403 | 001-200 |
| 222 | 50 000 сўм пул ютуғи | 003424 | 001-200 |
| 223 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003455 | 001-200 |
| 224 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003456 | 001-200 |
| 225 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003464 | 001-200 |
| 226 | 50 000 сўм пул ютуғи | 003468 | 001-200 |
| 227 | 10 000 сўм пул ютуғи | 003478 | 001-200 |
| 228 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 003505 | 006*) |
| 229 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 003513 | 105*) |
| 230 | 10 000 сўм пул ютуғи | 003550 | 001-200 |
| 231 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003588 | 001-200 |
| 232 | 25 000 сўм пул ютуғи | 003590 | 001-200 |
| 233 | 10 000 сўм пул ютуғи | 003602 | 001-200 |
| 234 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003632 | 001-200 |
| 235 | Хивага йўлланма (1 кишилик) | 003647 | 066*) |
| 236 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003659 | 001-200 |
| 237 | Хивага йўлланма (2 кишилик) | 003661 | 051*) |
| 238 | Хивага йўлланма (2 кишилик) | 003674 | 083*) |
| 239 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003687 | 001-200 |
| 240 | 500 000 сўм пул ютуғи | 003688 | 102*) |
| 241 | 500 000 сўм пул ютуғи | 003706 | 007*) |
| 242 | 1 000 000 сўм пул ютуғи | 003707 | 187*) |
| 243 | 10 000 сўм пул ютуғи | 003710 | 001-200 |
| 244 | 25 000 сўм пул ютуғи | 003716 | 001-200 |
| 245 | Хивага йўлланма (2 кишилик) | 003720 | 086*) |
| 246 | 500 000 сўм пул ютуғи | 003729 | 088*) |
| 247 | 5 000 сўм пул ютуғи | 003740 | 001-200 |
| 248 | 25 000 сўм пул ютуғи | 003745 | 001-200 |

**Изоҳ:** *) Лотереянинг шу сериядаги қолган 199 та билети рақамига 2000 сўмдан пул ютуғи чиқди.

«Кўҳна Хива» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси бўйича 500 000 (беш юз минг) сўмгача бўлган ютуқлар, банкнинг барча филиаллари томонидан ютуқлар тиражи расмий жадвалига асосан тўловга қабул қилинади.

500 000 (беш юз минг) сўм ва ундан катта миқдордаги пул-буюм ютуқлари лотерея билетлари банкнинг Бош офиси лотереяларни экспертиза қилиш бўлимида экспертизадан ўтказилгандан сўнг тўлаб берилади.

Ютуқли лотерея билетлари, ютуқлар тиражи расмий жадвали матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб, 4 (тўрт) ой муддат давомида тўловга қабул қилинади. Ушбу муддат тугагандан сўнг, лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Ҳайъат раиси — **У. А. Якубов**, Хоразм вилояти иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи.

Ҳайъат котиби — **Н. Н. Искандаров**, акциядорлик тижорат Халқ банки Лотереяларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

*Хизматлар лицензияланган.*

ПРОФНАСТИЛ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-18, С-35, С-57
Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.



ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
• 0,4 мм. — 39 000 сўм/п.м. • 0,5 мм. — 48 800 сўм/п.м.
• 0,45 мм. — 44 000 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 70 000 сўм/п.м.
ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
• RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 51 000 сўм/п.м.
• RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 57 000 сўм/п.м.
Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: (+ 99890) 996-96-63, (+ 99899) 871-88-99.
641R/295

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
Беларусь Республикаси





Расмий дистрибьютор
Тошкентдаги омбордан
таклиф этади.





Тел.: (+99893) 555-00-95,
(+99893) 555-12-88,
(71) 291-68-94.
www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru
Маҳсулот сертификатланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 72 393 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71 233-52-55;
Котибият 71 233-10-28; Эълонлар 71 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6